
Вакцинация - коронавирусга қарши курашнинг муҳим омили
Ўзбекистон туманида сўнгги бир кун ичида **1641 нафар** фуқаро эмланди.

Туман тиббиёт бирлашмаси масъулларининг маълум қилишича, туманда коронавирусга қарши эмланганлар жами сони **37958 нафарни** ташкил этган.

Шу вақтгача вакцина олганларнинг **11056 нафарини 65 ёшдан ошган отахону-онахонлар** ташкил этди.

Маълумот ўрнида, коронавирусга қарши эмлаш жараёнлари тумандаги кўп тармоқли марказий поликлиника (Конизар мавзеси, Ғалаба кўчасида), КТМПнинг болалар бўлими (Яйпан шаҳар Туркистон кўчаси), ҳудудлардаги 8 та оилавий поликлиникалар ҳамда 1 та оилавий шифокор пункти (Деҳқонобод қишлоғида жойлашган)да амалга оширилмоқда.

Соғлигингизга беэтибор бўлманг, азиз тумандошлар! Ўзингиз ва яқинларингизни вирус балосидан сақланг!

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-07-06 11:45:42